

«Йил имоми - 2021» танлов ғолиби аниқланди

Image not found or type unknown



13:50 / 04.11.2021 2680

Бугун, 4 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги masjidларда фаолият юритаётган имом-хатиблар ўртасида «Йил имоми - 2021» кўрик танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган имом-хатиблар республика босқичида беллашди.

Республика босқичидаги иштирокчиларнинг беллашувини Ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Унга кўра қуйидаги имом-хатиблар танлов ғолиблари деб топилди:

1-ўрин - Тошкент вилояти Пискент тумани «Собирхон ота» жоме масжиди имом-хатиби Суннатилла домла Эрназаров.

2-ўрин – Жиззах вилояти Жиззах шаҳри «Раваллиқ» жоме масжиди имом-хатиби Бекмуҳаммад домла Алибоев.

3-ўрин – Фарғона вилояти Марғилон шаҳри «Худоёр ҳожи» жоме масжиди имом-хатиби Турсунов Икромжон Хуснитдинович.

Барча ғолибларни муборакбод этамиз!